

Абулқосимов Ҳ.П.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ

АБУЛҚОСИМОВ Ҳ.П. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ

Мақолада бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлиги ва унга таҳдидлар тушунчаларининг мазмуни очиб берилган. Таҳдидларнинг турлари, шу жумладан, фирибгарликнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари баён қилинган. Мақолада, шунингдек, фирибгарликнинг олдини олиш усуллари таҳлил қилиниб, хавфсизлик тизимини ташкил этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Таянч иборалар: тадбиркорлик, иқтисодий хавфсизлик, таҳдидлар, фирибгарлик, саноат шпионажи, тижорат сири, хавфсизлик тизими, хавфсизлик хизмати, ишбилармонлик муҳити.

АБУЛКАСИМОВ Х.П. УГРОЗЫ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И МЕТОДЫ ИХ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ

В статье раскрывается сущность понятий экономическая безопасность и угрозы экономической безопасности. В ней изложены виды угроз экономической безопасности, в т.ч. мошенничество, причины их возникновения и последствия. В ней на основе анализа методов предотвращения угроз на экономическую безопасность предпринимательской деятельности приведены соответствующие предложения и рекомендации по созданию систем безопасности.

Ключевые слова: предпринимательство, экономическая безопасность, угрозы, мошенничество, коммерческая тайна, промышленный шпионаж, система безопасности, служба безопасности, деловая среда.

ABULKASIMOV H.P. THE THREATS TO ECONOMIC SECURITY OF THE BUSINESS ENTREPRENEURSHIP AND WAYS OF THEIR PREVENTIONS

The article reveals the essence of the concepts of economic security and threat. There are written the types of threat such as fraud and the reasons of its origin and consequences. It was based on the analysis of methods of prevention of threat to economic security of the business enterprise, and suggested appropriate proposals and recommendations for the establishment of systems of security.

Keywords: enterprise, entrepreneurship, economic security, threats, fraud, commercial classified information, industrial espionage, security system, security service, business environment.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди. Шунингдек, қуйидаги Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилинди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4609-сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2164-сонли Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-

ни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармони.

Мазкур қонунлар ва фармон ҳамда қарорларнинг қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда бизнес учун ишбилармонлик муҳити янада яхшиланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: «Шуни ҳам таъкидлашимиз зарурки, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларимиз халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий ифодасини топмоқда. Ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки «Бизнес юритиш» рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнги уч йилда 154-ўридан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади»¹.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодий-иқтисодий таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларнинг натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2015 йилда 56,7 фоизга етди ёки 1,8 баробар ошди. 2015 йилда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилди. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда банддир.

Аммо шунга қарамасдан бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятига турли таҳдидлар мавжуд бўлиб, бу хавфсизликни таъминлаш масаласини долзарб қилиб қўяди. Тадбиркорлик корхонаси хавфсизлиги тизими ўз ичига қуйидагиларни олади¹:

- иқтисодий хавфсизлик;
- техноген хавфсизлик;
- экологик хавфсизлик;
- информацион хавфсизлик (ахборот хавфсизлиги);
- психологик хавфсизлик;
- жисмоний хавфсизлик;
- илмий-техникавий хавфсизлик;
- ёнғин хавфсизлиги.

Ушбу хавфсизлик турларининг барчаси иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, тадбиркорлик фаолияти учун моддий ва молиявий зарар ҳамда йўқотишларга олиб келади. Шунинг учун уларни ҳам иқтисодий хавфсизлик билан боғлаш мумкин. Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги – тадбиркорлик субъекти томонидан амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий ва муҳандислик-техник тавсифдаги чора-тадбирлар тизими туфайли вужудга келган ҳаётий муҳим иқтисодий манфаатларнинг ички ва

ташқи хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ҳолатидир.

Тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига турли таҳдидлар мавжуд. Тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар – жисмоний ёки юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳимояланиш ҳолатини бузувчи, унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки иқтисодий ва бошқа йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган потенциал ёки реал хатти-ҳаракатдир. Тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар онгли ва ҳусуматли, тадбиркорлик субъектига зарар етказишга қаратилган ва қонунга зид ҳаракатлар шаклида намоён бўлади. Таҳдидлар келиб чиқиш манбаига кўра ташқи ва ички таҳдидлар шаклида юзага келади.

Ташқи таҳдидлар давлат ва текширувчи органлар, мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноўрин ва ноқонуний аралашиши, ишбилармонлик муҳитининг ёмонлиги, коррупция, корхонада ишламайдиган шахслар томонидан моддий воситалар ва шахсларнинг бойликларини ўғрилаш, саноат шпионажи, рақобатчиларнинг ноқонуний ва ноҳалол ҳаракатлари, уюшган жиноий гуруҳлар томонидан товламачилик, рекэт шакллари ўз ичига олади. Ички таҳдидлар эса ўз ходимлари томонидан махфий маълумотларнинг ошкор қилиниши, ишга оид (молиявий, бухгалтерлик, шартномавий ва бошқа) ҳужжатларни тайёрловчи ходимлар малакасининг пастлиги ёки масъулиятсизлиги, иқтисодий хавфсизлик хизмати ва контрагентларни текширишга жавобгар шахслар фаолиятининг самарасизлиги шаклларида намоён бўлади.

Тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларнинг муҳим тури товламачилик бўлиб, у алдаш, лақиллатиш, қўрқитиш йўли билан кишининг мол-мулки, пулини олиб қўйиш, ундан фойдаланиш, фирибгарликни англатади. Товла-

¹ Мак-Мак В.П. Служба безопасности предприятия. Организационно-управленческие и правовые аспекты деятельности. – М.: «Мир безопасности», 1999. -С. 10-11.

мачи эса кишиларни товлаб, лақиллатиб, қўрқитиб кун кўрувчи, фирибгар шахсдир. Фирибгарлик – алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишдир¹. Фирибгарлик корхона раҳбарияти ёки хизматчилари орасидан бир ёки бир неча шахснинг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини атайлаб нотўғри акс эттириши ва тақдим этиши, шу жумладан, ҳисоб ёзувларини қалбакилаштириш ва бошланғич ҳужжатларни сохталаштириш, ҳисоб ёзувларини қасддан ўзгартириш, хўжалик операциялари мазмунини ўзгартириш ва қонунчилик ҳамда корхона сиёсатида ўрнатилган қоидаларни бузиш ҳисобланади.

Фирибгарлик содир этилиши тадбиркорлик корхонасидаги ишни ташкил этиш ва уни бошқариш, назорат қилишдаги масъулиятсизлик, боқибеғамлик, сусткашлик, интизомсизлик ва иш юритишдаги камчиликларга боғлиқдир. Фирибгарликка кўмак берувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

1) ходимлар мажбуриятларининг аниқ ва қатъий равишда тақсимланмаганлиги;

2) корхона активларига жисмоний жиҳатдан етишишнинг чекланмаганлиги;

3) ҳақиқий мавжуд активларни ушбу активлар ҳақидаги ёзувлари билан солиштиришга қодир бўлмаслик;

4) операцияларнинг зарур авторизациясиз бажарилиши (1-4-бандлар мажбуриятларнинг чегараларини ажратиш билан боғлиқ);

5) ходимлар сонининг етарли эмаслиги ёки малакали ходимларнинг етишмаслиги (бунинг натижасида назорат тадбирларининг номутаносиб равишда ижро этилиши);

6) ходимлар ўртасида ўзаро тил бириктирилиши;

7) кам миқдордаги қимматбаҳо юқори ликвидли активларнинг мавжудлиги;

8) менежерларда мавжуд назорат тадбирларини четлаб ўтиш ёки назарга илмаслик имкониятининг мавжудлиги.

Фирибгарликнинг асосий турларига қуйидагилар киради:

1) фирибгарлик билан тузилган молиявий ҳисоботда юзага келадиган бузиб кўрсатишлар. Бундай ҳаракатлар молиявий ҳисоботда ахборотни тушириб қолдириш ва бухгалтерия ҳисоби тамойилларини нотўғри қўллашни ўз ичига олади;

2) активларнинг ноқонуний ўзлаштирилиши (ўғриланиши) натижасида юзага келадиган бузиб кўрсатишлар. Бундай ҳаракатларга талон-тарож, камомад (ўзгалар мулкини ўзлаштириш) ва корхонани ўзига фойда келтирмайдиган бирон-бир нарсага алмаштириш учун пул маблағлари сарфлашга мажбур қиладиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлар киради;

3) коррупция – мамлакат иқтисодий ресурслари, давлат мулкини тақсимлаш жараёнларида унинг бир қисмига эга бўлиш мақсадида уюшган жиноий гуруҳнинг шахсий бойлик орттириш мақсадлари ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўювчи давлат хизмати амалдорларини ўз домига илнтириб, улардан фойдаланиши ва улар билан бирикиб, қўшилиб кетишидир². Коррупцияга ноқонуний мукофотлар, поралар, ноқонуний олинган пулларнинг бирон-бир қисмини тўлаш, манфаатлар зиддияти, таъмагирлик киради.

Тадбиркорлик корхонасида фирибгарлик (ўғрилик)ларнинг энг кенг тарқалган турлари иқтисодий фаолиятнинг барча жараёнларида қуйидагиларда намоён бўлади:

1) *харидлар жараёнида*: а) сотувчилардан «чўтал» олиш учун нархни ошириб қўйиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси.

² Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиёт: қисқача изоҳли луғат. – Т.: «Ноширлик ёғдуси», 2015. –208-209-б.

б) харидларнинг сифати ва ҳажми билан боғлиқ ҳийлалар қилиш; в) ресурслардан (транспорт, коммуникация, идора ашёлари)дан шахсий мақсадларда фойдаланиш;

2) *ишлаб чиқариш жараёнида*: а) тайёр маҳсулотни олиб чиқиб кетиш; б) ҳисобга олинмаган маҳсулотни «чапга» етказиб бериш; в) хомашё, материаллар, эҳтиёт қисмларни ўғрилаш;

3) *сотувлар жараёнида*: а) маҳсулотни навларга ажратиш, сотув ҳажми билан боғлиқ ҳийлалар ишлатиш; б) инсайдерлик ахборотидан фойдаланиш; в) харидорлардан «чўтал» олиш учун нархни камайтириб қўйиш;

4) *маркетинг ва реклама жараёнида*: а) реклама тарқатувчи корхоналар билан яширин келишувлар; б) инсайдерлик ахборотидан фойдаланиш; в) реклама нархлари ва ставкалари билан боғлиқ ҳийлалар;

5) *бошқарув ва назорат жараёнида*: а) активларни «чўнтак» фирмаларига олиб чиқиб кетиш; б) инсайдерлик ахборотини рақобатчиларга сотиш; в) асосланмаган шартномалар тузиш ва нақд пулларни олиб кетиш; г) ҳисобот билан боғлиқ ҳийлалар ишлатиш.

Фирибгарликнинг олдини олиш учун тадбиркорлик корхонасида қуйидаги усуллардан фойдаланиш тавсия қилинади:

1) *корхонадаги ички назоратнинг ишончли тизимини шакллантириш*. Бу тизим қуйидагиларни таъминлаши керак:

а) тўла ва ҳар томонлама назорат, аниқ йўлга қўйилган бухгалтерия ҳисоботи тизими ва мунтазам равишда ўтказиладиган назорат тадбирлари уйғунлиги;

б) корхона ходимларининг шахсий сифатлари ва билимлари, менежерларнинг иш тамойиллари ва иш усуллари;

в) ички аудит хизматининг фаолиятини ташкил этиш;

г) мунтазам равишда инвентаризация ўтказиш;

д) назорат мажбуриятларининг тақсимланиши;

е) мустақил текширувларнинг ўтказилиши;

ё) ҳужжат айланмаси қоидаларига қаттиқ риоя этилиши;

2) *ходимлар ва чет шериклар билан тил бириктиришнинг олдини олиш*. Бу каби найранглари тайёрлаш узоқ вақт талаб қилгани учун профилактика воситаси сифатида кадрлар ротацияси (ўрин алмаштириб туриш) ва уларнинг эгаллаб турган хизмат лавозимлари бўйича жойларини ўзгартириб туриш таклиф қилинади;

3) *корхонанинг барча шерикларини корхонанинг хизматдаги суиистеъмом ҳолатларига нисбатан тутган сиёсати ҳақида аниқ хабардор қилиш*. Шерикларга корхонангиз ходимлари ҳамкорлардан совғалар ва мукофотлар қабул қилишлари тақиқланиши ҳақида расмий хат йўллаш, шунингдек, бланкаларнинг орқа томонига «Аудиторлик текширувидан ўтказилади» деган муҳр босиб қўйилиши иккала томонга норасмий муносабатларнинг тахминий оқибатини эслатиб туради;

4) *ходимларни текшириш*. Одатда, ўғрилган маблағлар «ялло қилиб яшаш»га сарфланади. Шу сабабли корхона ходимларининг ҳаёт тарзидаги ўзгаришларни кузатиб бориш лозим бўлади;

5) *аноним ахборотдан фойдаланиш*. Бунинг учун «ишонч телефони» ташкил этиш ва унинг мавжудлиги тўғрисида ҳамма ходимлар хабардор бўлишлари лозим;

6) *фаол ички аудит сиёсати*. Ички аудитдан фирибгарликнинг олдини олиш мақсадида фойдаланиш ходимларга ишлари ва ҳаракатлари исталган пайтда, ходимларга қулай бўлмаган вақтларда текширилиши мумкинлигини эслатиб туради.

Хўжалик фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш йўли билан унинг турли таҳдидларга бардошлиги ҳамда хавфсизлик даражасини баҳолаш:

– иқтисодий манфаатларга таҳдидлар бўйича тадбиркорлик субъектининг заиф томонлари, таҳдидларнинг салбий таъсири баҳоланади;

– иқтисодий таҳдидларнинг салбий таъсири бартараф этиш бўйича шу дамгача кўрилган чора-тадбирларни тадбиркорлик субъектларини бошқариш элементларининг фаолияти билан боғлиқ равишда қайта кўриб чиқиш;

– тадбиркорлик субъектини бошқаришнинг функционал элементлари таҳдидларнинг салбий таъсири бартараф этишдаги ролини миқдор ҳамда сифат жиҳатдан тавсифлаш ва баҳолаш;

– иқтисодий хавфсизлик даражасини интеграл баҳолашни шакллантириш;

– хавфсизлик даражасини баҳолашнинг жорий натижаларини илгариги даврда олинган натижалар билан солиштириш ва таққослаш;

– иқтисодий манфаатларга таҳдидларни бартараф этиш ёки нейтраллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг етарли даражада натижалар бермаганлигининг сабабларини аниқлаш;

– иқтисодий хавфсизликни таъминлашда тадбиркорлик субъектини бошқаришнинг функционал элементлари фаолиятини яхшилаш бўйича қўшимча тавсиялар тайёрлаш. Ушбу бошқаришнинг функционал элементларини молиявий, интеллектуал, кадр, техник-технологик, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, ахборот, куч элементлари ташкил этади¹.

Тадбиркорлик фаолияти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хавфсизликни таъ-

минлаш тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Тадбиркорлик фаолияти хавфсизлик тизими ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

– тадбиркорлик субъектига тегишли ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик объектлари, бошқарувчи раҳбарларнинг шахсий дахлсизлиги ҳамда пул маблағларини сақлаш учун қўриқчи-қоровуллик хизматини ташкил этиш;

– тадбиркорлик субъектининг информация ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишини таъминлайдиган аналитик хизматни ташкил этиш. Унинг вазифалари ичида разведка ва контрразведка билан шуғулланишни ташкил этиш учун стратегик муҳим субъектлар билан ишлаш ҳам муҳим ўрин тутди;

– ташқи экспертлар ва ички консультантлар гуруҳининг стратегик муҳим масалалар бўйича таклифларини ишлаб чиқиш ҳамда ходимларни ўқитиш бўйича фаолиятини ташкил этиш.

Тадбиркорлар тижорат сирларини санат шпионажи, ошкор бўлишдан ҳимоялаш мақсадида:

– илмий-техникавий янгилик ва ахборотларни ҳимоя қилиш учун уларни патентлаштириш;

– муаллифлик ҳуқуқини олиш;

– тижорат сирини ҳисобланган маълумотларни аниқлаш ҳамда тижорат маълумотлари ва ахборотларини махсус ҳисобга олиш;

– уларни сақлаш тартибининг ўрнатиш;

– назорат остида кўпайтириш ёки махсус шахслар кузатувида ҳужжатларни йўқ қилиш;

– ходимларни ҳужжатлар билан ишлашга ўргатишлари керак бўлади.

¹ Основы экономической безопасности. / Под ред. Е.А.Олейникова. – М.: Бизнес-школа «Интел-синтез», 1997. –С. 139; Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. / Под общ. ред. А.В.Колосова. – М.: Изд-во РАГС, 2001. –С. 285; Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Akademiya», 2012. -110-112-б.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ–336-сонли қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда.

2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

3. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. – Т.: «Akademiya», 2012.

4. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиёт: қисқача изоҳли луғат. – Т.: «Ноширлик ёғдуси», 2015.

5. Мак-Мак В.П. Служба безопасности предприятия. Организационно-управленческие и правовые аспекты деятельности. – М.: «Мир безопасности», 1999.

6. Основы экономической безопасности. / Под ред. Е.А.Олейникова. – М.: Бизнес-школа «Интел-синтез», 1997.

7. Экономическая безопасность хозяйственных систем. Учебник. / Под общ. ред. А.В.Колосова. – М.: Изд-во РАГС, 2001.